Ҳа, Сирдарёдан бошланган ибратли ташаббус биринчи навбатда Марказий Осиёдаги энг гўзал пойтахтлардан бири асим Тошкентда (жаноб шаҳар ҳокими Жаҳонғир Ортиқхўжаев), Навоий вилоятида (вилоят ҳокими Қобил Турдиев), қўйинки, бошқа қатор вилоят ва шаҳар мутасаддиларига ҳам ибрат бўлиб давом этмоғидан умидворимиз. Бунинг учун жуда катта ақл ё маблағ талаб қилинмайди, аксинча, озгина миллий ватанпарварлик тушунчасидан хабардорлик етиб ортади деб ўйлаймиз. Яна тақорлаймиш, Ватанини сохта, қуруқ, бемаъни ёзувлар билан севиб бўлмайди!

Норқобил ЖА.П.Л.,
Абдураҳман ЖУМАКУЛ.

ТАҲЛИЛ

Йўлимиз аниқ, ортга қайтиб бўлмайди

Газетамизнинг шу йил 19 декабрдаги 48-сонида филология фанлари номзоди, адабиётшунос Султонмурод Олимшун “Бизга мукамал алифбо керак” сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди.

Унда лотин ёзувининг қатор афзалликлари билан бир қаторда, унинг асосида янги алифбога ўтиш нақадар ҳаётий зарурлиги эканлиги хусусида сўз борган эди. Шу билан бир қаторда янги алифбомизга баъзи бир камчиликлар борлиги, уни мукамал қабул қилишимиз жоизлиги юзасидан айрим аниқ тақлиф-мулоҳазалар уртага ташланганди.

Муаллифнинг қуйида берилган иккинчи мақоласи ҳам янги лотин алифбосидаги баъзи бир муаммолар ҳақида.

“Жўжа”даги “ж” — бошқа, “жандарм”даги “ж” — бошқа

Нима учун кирилл ёзуви асосидаги алифбодан лотин ёзуви асосидаги янги алифбога ўтмаймиш?

Авалло, тилимиздаги товушларни максимал даражада тўғри ифодалаш учун!

Шундай экан, келинг, шу йўлни маҳкам тутайлик. Яъни, ҳозир — пайти. Чунки ҳали лотин ёзуви асосидаги янги алифбога тўлиқ ўтганимизда йўқ. Иккинчи борида олдиндан ишни пухта қилайлик. Биратунда алифбомизни мукамаллаштириб, кейин ёппасига уни қўллашга ўтайлик.

Арабий ва туркий тиллар учун жарангсиз “ж” товуши хос эмас. Араб ёзуви асосидаги форсий алифбога жарангсиз “ж” товушини ифодалаш учун махсус бир ҳарф (“ج”) қўшилган. Туркий тилга форсийдан ўтган ана шу жарангсиз “ж” товуши учун шу ҳарф араб ёзуви асосидаги эски ўзбек ёзуви таркибида ҳам қолган. Ҳозирги тожик алифбосида ҳам бу икки ҳарф алоҳида-алоҳида ифодаланади. Яъни, “жўжа”даги “ж” учун — бошқа (“ч”) ва “жанда”, “аждар”, “аждаҳо”даги жарангсиз “ж” учун бошқа (“ж”) ҳарф олинган.

Биз учун йўл шу йўл бўлиши керак. Яъни, лотин ёзуви асосидаги янги алифбомизни мукамаллаштириш ниятида бўлсак, “жи” “жўжа” сўзида келадиган жарангли “ж” учун қолдириб, “жандарм”да келадиган жарангсиз “ж” учун янги ҳарф танлашимиз лозим. Бунинг учун қандай ҳарф танлашимизнинг катта аҳамияти йўқ.

Ҳақиқат йўлида орқага қайтиш айб эмас. Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида” 1993 йил 2 сентябрдаги қонунидан жарангсиз

“ж” товуши учун “Ж” ҳарфи қабул қилинган эди. Икки бир-бирига яқин товуш учун шаклан ўхшаш, биригина фарқ (бу ерда бели боғлангани) билан ҳарфлар қабул қилиш тажрибасини кирилл ёзуви асосидаги алифбомизда “х” ва “х” мисолида кўрдик. Бу кўп хатоликларга сабаб бўлди. Ҳозир бу икки товуш учун бир-бирига ўхшамайдиган ҳарфлар (“х” ва “н”) билан ифодаланаётгани учун хатолар, бироз бўлса-да, қамайди.

Шуларни ҳисобга олиб, каммина бир тақлиф сифатида, “жандарм”га кетадиган жарангсиз “ж” учун, масалан, “Зз” ҳарфини киритиш керак, деган бўлардим.

Бу масаланинг яна бир нозик ва аҳамиятли жиҳати бор. Бундан буён тилимизга инглиз ва бошқа фарб тиллардан қўллаб сўзлар олинаверади. Рус тилида жарангли “ж” товуши йўқ. Шунинг учун улар бу товушни аниқ ифодаламоқчи бўлса, олдига “д” ҳарфини қўшиб, “дж” тарзида ёзишга мажбур. Бироқ кўп фарбона сўзлардаги жарангли “ж” рус тилига жарангсиз “ж” бўлиб ўтаверади. Биз русчадан олиб, масалан, жарангли “ж” билан бошланадиган “журнал” (“journal”) ни жарангсиз “ж” билан бошланадиган “журнал” (“Zurnal”) деб олганмиш.

Қувонарли томони шундаки, 1993 йилнинг 2 сентябрда тасдиқланган янги ўзбек алифбосида “жўра”га кетадиган “ж” учун алоҳида (каттаси учун — “J”, кичиги учун — “j”), “жандарм”га кетадиган “ж” учун алоҳида (каттаси учун — “J”, кичиги учун — “j”) ҳарф қабул қилиниб, тўғри йўл тутилган эди.

Ахир, миллий алифбода ҳар бир товуш учун алоҳида ҳарф бўлса, қандай яхши.

“О”ларнинг олам-олам “можаро”си

Ҳозирги ўзбек адабий тилида амалда уч хил “о” бор.

Биринчиси — туркий “о”. “Она”,

“ота”, “бобо”, “опа”, “бола”, “олма”, “овул”, “оз”, “қон”, “қош” каби сўзларда айнан шундай “о” иштирок этади. У талаффузда қисқароқ бўлади. Шеваларда осоргина бошқа қисқа унлига айланаверади — “эна”, “бува”, “ала”, “алма”, “бала”, “эвул”, “ае”, “аз” (“азгина”) бўлиб қолаверади ҳам.

Шунинг учун тилимиз табиятини ич-ичдан билган, яъни зукко шоирлар, ҳатто, “она” сўзини “мардона” сўзига қўйиб қилмайдилар. Чунки “она” сўзидаги “о” та ургу тушмайди, асли форс-тожик тилидан олинган “мардона” сўзидаги “она” “қўшимчасининг” “о” товушига ургу тушади. Қайси бир нўноқроқ шоир “она”ни “мардона”га қўйиб қилса, шеърхон — туркий “она” сўзини “о(-)на” тарзида, яъни “о” та суний равишда ургу бериб, чўзиб ўқишга мажбур.

Иккинчиси — арабий-форсий сўзлардаги “о”. “Одам”, “оила”, “олим”, “боғ”, “ор”, “осмон”, “деҳқон”, “гулзор”, “доно” каби сўзлардаги “о”лар туркий сўзлардаги “о”га нисбатан очирроқ, чўзикроқ, каттароқ тарзда талаффуз қилинади.

Учинчиси — русча ва рус тили орқали кириб келган сўзлардаги “о”. “Объектив”, “ток” (“электр токи” маъносидан), “донор”, “домино”, “контраст”, “коррозия”, “округе”, “октава”, “орган”, “оториноларинагология”, “офицер”, “официант” сўзларидаги “о” шундай товуш ҳисобланади. Аслида, бу “о” туркий ва арабий-форсий “о”ларга товуш сифатида кўп яқин келмайдилар.

Рус тилининг қондасига кўра, ургу тушмаган “о”лар талаффузда амалда “а” ёки “и” та айлиниб кетади. Ургу тушган “о”лар эса биздаги “о” билан “ў”нинг ўртасидаги алоҳида бир товуш билан айтилиши лозим.

Ўзбек тилида эса аксарият ҳарфлар ўз ўрнида тўғри талаффуз қилиниши қондасига амал қилинади. Бошлангич синф ўқувчилари рус тилидан ва рус тили орқали кириб келган бу сўзларнинг барини “о” билан ўқийди: “объектив” дейиш ўрнига “объектив” дейди, “тўж” дейиш ўрнига худди узуминг тоқини айтаётгандек, “ток” дейди. Бу

сўзларни тўғри талаффуз қилишга ўтунига қадар анча йиллар кечади. Қоидага: “Ўзбек тилида ҳарфлар қандай ёзилган бўлса, шундай талаффуз қилинади”, деган қатъиятни киритганмиш. Русчадан кирган сўзларга келганда эса бу қоида ниҳоят бузуамиз.

Ахир, тил уимизимиз бўлса, нима учун ўз эркимиздан ўзимиз фойдаланмаслигимиз керак? Оқибатда икки хиллик келиб чиқади. Бу эса она тилини ўрганиши жуда мураккаблаштиради. Тил ўрганиш мураккаблашгани, боланинг ақлий фаолияти сустлашади. Бошқача айтганда, бошлангич синф ўқувчиси, аслида, жуда соддалаштирилиши мумкин бўлган нуқталарда қийналиб, керагидан ортиқ вақт ва ақлий куч сарфлаб қўяди. Бундан миллат ютқазади.

Муаммоним ечиш учун икки йўл тутиш керак. Биринчиси, рус тилидан ва рус тили орқали кириб келган сўзлардаги “о” товушини ифодалашда уни талаффузга мослаш усулини қўллаш зарур. Масалан, “ток”, “фоя”, “станок”, “округе”, “образ” каби сўзларда келган “о”ларни бемалол ўзимизнинг “ў” билан ифодалайверса, бўлади, “Трактор”, “селектор” каби сўзлардаги “о”ни биз амалда “и” билан талаффуз қиламиз. Шунинг учун бу сўзларни “трактир”, “селектир” тарзида ифодаласак, ўзбек тилидаги қандай ёзилган бўлса, шундай ўқиш қатъиятига амал қилган бўламиз. Болаларимиз ҳам қийналмайди, катталаримиз ҳам. “Объектив”, “отряд”, “октава”, “офицер” каби сўзлардаги келган “о”ларни, ургу тушмагани учун, русларнинг ўзи ҳам “а” тарзида талаффуз қилади. Биз уларни ўзбек тилида бемалол “абъектив”, “атряд”, “актава”, “афциер” деб ёзишимиз лозим. Деярли ҳамма шундай қилади. Узоққа бормайди, мана, қозоқ қардошларимиз, масалан, асли арабча бўлган “ахборот” сўзини ўз тилларига мослаб, бемалол “ақпарат” деб ёзишаверади. Ёки улар русча “область” сўзини қозоқчасига ёзувда ҳам, озакида ҳам “облыс” деб ишлатишаверади.

Руслар “Одил”ни “Адил”, “Қўқор”ни “Қўқар”, “Чойхона”ни “Чайхана”, “Жўра”ни “Джура”, “Холтой”ни “Халтай”, “Аҳмадов”ни “Ахмедов” тарзида ёзиб келяпти, ҳеч нарса деяртаганимиз йўқ-ку. Улар бизда бор-у, ўзлариде йўқ товушларни ўзлариде бори билан ифодалаб кетаверади. Шундай экан, биз нега айнан рус тилида қандай бўлса, шундай ёзишимиз керак? Биргина “ы” ва “и” ҳарфларини “и” ва “ич” деб ифодалашимизни айтмасак, русча ҳар кан-

6	F f	[f]	22	R r	[p]
7	G g	[r]	23	S s	[c]
8	G' g'	[f]	24	S' s'	[ш]
9	H h	[h]	25	C' c'	[ч]
10	I i	[i]		T t	[t]
11				U u	[y]
12				U' u'	[y]
13				V v	[b]
14					[ы]
15					[ы]

дай сўзни айнан ёзиб келамиз.

Бу борада шу қадар муккасидан кетганмиш, асти қўяверасиз.

Рус алифбосида “ё” ҳарфи мавжуд. Лекин рус тилининг имло қоидаларига бинаман, “ё” ўрнига “е” ёзиб кетавериши мумкин. Лекин у ўрнига қараб “ё” ўқилаверади. Ҳатто, 1983 йили чоп этилган икки жилдли “Русча-ўзбекча луғат”да “е” ва “ё” ҳарфлари билан бошланадиган сўзлар бир гуруҳда берилган. Бизда бундай қоида йўқ ҳамма жойда “ё”ни — “е”, “ё”ни — “ё” деб ёзишга мажбуримиз. Шунга қарамасдан, собиқ иттифокнинг биринчи раҳбари бўлган икки шахснинг фамилиясини йиллар мобайнида ўзбек алифбоси ва тилимизнинг имло қоидаларига тамоман зид равишда хато ёзиб келганмиш: “Хрущев” ёзганмиш, “Хрущеве” деб ўқиганмиш, “Торбачев” деб ўқиганмиш.

Кўр-кўроналик, бир миллатга қўллуқ қилиш бундан ортиқ бўлмаса керак!

Алифбомизда “Ғ” (“g”), “ў” (“o”) “ш” (“sh”)

“дахмаза”лари
Вақт — пул. Вақт — умр. Вақт — тарқайёт.

Тараққиётга эришган борки, вақтдан ютган.
Биз-чи?
Лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида “g” ҳамда “o” ҳарфларини ёзиш учун клавиатурада аввал “g” ёки “o” ҳарфлари тугмачаларини босамиз. Кейин “қўйиш” (“вставка”) орқали “символ” дастурига кириб, “ш” белгисини “Alt” биланимиз, “Стп” биланимиз икки тугмача орқали ёзиладиган қилиб, бирор жойга ўрнатиб оламиз. Компьютеримиз буну хотирасида узоқ сақласа-ку, хўп-хўп. Бўлмаса, шу икки ҳарфни ёзиш маҳали ҳар гал шунча ишни яна қайтадан бажаришга

мажбуримиз. Битта катта “G”ни ёки “O”ни ёзиш учун камида олти тугмачани босишга тўғри келади.

Эҳ-ҳе, эссиз шунча вақт, шунча меҳнат!

Шу бизга зарурми?


Бошқа осонроқ йўлни топиш компьютерлар асрида шунчалар қийинми?!

Фикри ожизимча, биттау битта йўл бор: орқага қайтиш, яъни 1993 йили дастлаб қабул қилинган лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси вариантини бошқатдан қабул қилиш керак. Унга кўра, “г” учун “g” устига белги қўйилади (каттаси — “G”, кичиги — “g”), “ў” учун “o”нинг устига белги қўйилади (каттаси — “O”, кичиги — “o”), “ш” ҳамда “o” ҳарфларини ёзишда ишлатиладиган “ш” белгисини қўллашаверадиган бўлиб кетдик.

Бир товуш учун икки ҳарф ишлатишимиз “sh” мисолида қўтилмаган яна бир муаммони келтириб чиқарди. “Исҳоқ” исмини, тиббиётта оид “исҳоқ”, зоологияга доир “исҳоққуш” сўзларини битишда суний равишда “s” билан “h” ҳарфлари орасига тўтук белгиси (“”) қўйишга мажбур бўлдик.

Бу эса “и” товушини ҳам икки ҳарф (“sh”) билан ифодалаш тажрибасидан узоқ кечиб, ўрнига “s” ҳарфини қабул қилиш кераклигини тақозо этади.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.



Фахрийлар эъзозда



Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда истиқомат қилаётган 200 нафарга яқин фахрий журналистларнинг ижтимоий аҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди. Албатта, Журналистлар ижодий уюшмаси билан Республика товар-хонашў бижриси ўртасида тузилган "Дўстлар клуби" доирасидаги ўзаро ҳамкорлик битими бу эътиборни амалга оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Янги йил байрами арафасида узоқ йиллар давомида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ривожига беиннат хизмат қилган, бугунги кунда хурмат-эътиборда бўлиб, ёшларга муносиб устозлик қилиб келаётган нуруий-фахрийларимиз Абдусамид Исоқов, Дилбар Маҳмудова ва Фуломзокир Юсуповлар ҳолидан хабар олинди. Уларни Уюшма раиси ўринбосари Холмурод Салимов, Уюшма ходими Носир Эркабоев ҳамда "Маданият ва маърифат" телеканалининг "Йўқлов" кўрсатуви ижодкорлари байрам билан муборакбод этиб, Уюшманинг совға-саломларини топширишди.

— Журналистликнинг машаққатли меҳнатини кўрдик. Билганим, унга бардос бера олган ижодкор ҳақиқий маҳоратга эришади. Узининг меҳнат фаолияти давомида халқ назарига тушган журналист борки, ижоди барчага, жумладан, ёшларга ибрат бўлиши, бўлажак журналистларнинг ўзи ҳаёт йўлини топишида ибрат бўлиши керак, — деди телевидение ва радио соҳасида узоқ йиллар фаолият олиб борган, фахрий журналист Абдусамид Исоқов.

Устоз Абдусамид Исоқов Фаргона вилоятида туғилган. Журналистика касбига бўлган иштиқ уни Тошкент

давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) нинг журналистика факультетида етаклаб келган. У ўқиб билан бир пайтда Ўзбекистон радиосида ишлаб, амалиёт ўтади. Шундан сўнг, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида кичик муҳаррирликдан тахририят бош муҳаррири, Ўзбекистон радиосида дастурлар дирекцияси ҳамда маҳаллий телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар бошқармаси раҳбари, миллий телерадиокомпания малака ошириш марказининг бошлиғи каби масъулиятли вазифаларда фаолият олиб борди.

Унинг юзлаб телеочерк ва лавҳалари, эътиборли кўрсатувлари, турли эшиттиришлари эфирга узатилган, мақолалари турли тўпламларда chop этилган. Ёш журналистлар учун "Журналистнинг машаққатли ва завқли ҳаёт йўли", "Эзгулик излаб..." китоблари chop этилиб, бугун соҳа мутахассисларига қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

— Ҳар гал шогирдларим, бирга ишлаган ҳамкасбларим ҳолимдан хабар олишга келганида қувониб кетаман. Ёшларни кўриб уларга чиндан ҳавас қиламан. Икки-уч ҳатто ундан ортиқ тилларда равон сўзлаша олишди. Замонавий технологияларни ҳам биздан кўра яхши билишади. Улардаги жўшқинлик, касбига бўлган иштиқ эса қўлимга қалам олиб мени яна ижодга етаклайди. Журналистнинг қалби ёниб туриши керак. Ёнмаган, ўзидан учқун чиқармаган қалб билан ёниш қийин. Қаламингиз ўткир, юрагингиз ёниб турса халқнинг кўнглига етиб борадиган асарлар ярата оласиз, шогирдларингизга муносиб устоз бўласиз. Аслида, бу касбда шогирд олиш ва уни тарбиялаш жуда мушкул иш. Агар Яратган томонидан шогирд қалбига ёза олиш, идрок, заковат инъом этилмаган бўлса сиз минг ҳа-

ракат қилманг, ундан муносиб шогирд етиштира олмайсиз. Шу нуқтаи назардан шогирдларимни тарбия қилишдан аввал, уларнинг бу касбга бўлган муҳаббатини ўрганиб чиққанман, агар устозлик чиғиримдан ўтса, қабул қилардим, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, "Меҳнат шухрати" ордени соҳибаси Дилбар Маҳмудова. — Пенсияга чиққанамга чорак асрдан ошди. Бу сокин ва хотиржам умр йўлларимда қалам гаштини янада кучлироқ туйиш, ўз устимда кўпроқ ишлаш иштиқни кучайди. Ижодкорнинг бахтидан ўргилай, у оёғи ердан узилгунча севган касби билан ҳамроҳ ва ҳамроз, бу касби-корини имкон қадар рози қилиш даражасида ишлаш имкониятига эга бўларкан. Албатта, ижодкор инсон учун пенсияга чиқиш — бу ишдан чиқиш дегани эмас. Балки, табиат инъом этган умри азиз ва вақт деб аталмиш олтин дамлардан янада кўпроқ ва хўпроқ фойдаланиш неъматидир.

Аслида дийдор ширин, табарруқ отахон-онахонлар билан суҳбатлар, уларнинг ибратлари ундан-да ширин.

— Ҳақ гап. Фахрийларнинг битмас-туганмас билимлари, тажрибаларидан баҳраманд бўлиш ёшларнинг амалий кўникмалари шаклланиши, журналист касбининг ўзига хос сир-асрорларини ўрганишларида катта мактабдир. Ҳозирги пайтда нафақада бўлишига қарамай, матбуотда меҳнат қилаётган фидойилардан яна бири Фуломзокир Юсуповдир. Ҳар бир инсон учун шогирдлари камолини, улар томонидан эътибор ва эъзозда бўлиш бахт, — дейди у.

Ислол АСИЛБЕКОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси мутахассиси.

АДАБИЙ ГУРУНГЛАР

Дўстнинг ёши бўлмади. Кимни сен хурмату меҳнату офтоби билан сийлаган бўлсанг, у сенинг дўстинг. Сенга ўзини яқин тутган, суҳбатингга интиланган кимсанг мақоми дўстлик рутбаси билан улғур.

Ирмоқлар қўшилиб ДАРЁ БЎЛАДИ

Ўзимни дўстлар борасида омадли деб ҳисоблайман. Лекин афсуски, кўп дўстларни йўқотдим. Шу йилларда ёши етиб, охиратга сафар қилганлари бор. Олпоҳга шукроналар бўлсинки, ҳануз дўстлар даврасига интиламан, улар менга интиқ. Вақти билан сўраб-суриштириб туришади. Аслида ушбу битикларнинг ёзилишига ҳам шу дўстларнинг сўроқлаб келиши сабаб бўлди. Утган жума кунини яхши шoir, матбуотда ўз ўрнига эга тажрибали журналист Жаҳонгир Шарофбоев телефон қилиб қолди:

— Устоз, шогирдларингизни йиғмоқчимиз, вақтингиз бўлса...

Бу дунёда пенсионердан бекорчи одамнинг ўзи йўқ. Қанча кампирнинг қош-қовоғига чиқолмай, у "ёққа" кетвориши. Биз эса юрибмиз... Эҳтимол китоб, газит-журнал, интернет титиб ва яна яхши дўстларнинг химоюсида юрганмиз учун турли тадбирларда иштирок этишни бинойидай удаламоқдамиз.

Аваллига: Жаҳонгир ўзига ҳамроҳ қилиб "Поста"даги погонли дўстларини бошлаб келган бўлса-я, деган ўй ўтди. Аммо турли нашрларда ишлайдиган журналист биродарларни кўриб, дилим яйради. Чунки суҳбат қизгин бўлади.

Адабиёт ҳақидаги баҳслар ҳам қизиқ, ким қандай китоб ўқиган бўлса энг яхши китоб ўша китоб, тўлиб-тошиб шарҳлаб кетади. Айниқса, ўзлари ишлаётган даврий нашрининг янги, тандирдан узилган сонидан олиб келишлари менга яхши, суҳбат охирида уйга олиб кетаман.

Аваллига суҳбатимиз ҳар гал бирга ишлаган қайноқ дамларни эслашдан бошланади. Рўпарамда ўтирган қорачадан келган, ўртабўй инсон Акмал Тошев Қашқадарёнинг Деҳқонobodидан. Уни ишга ўша даврда факультет декани бўлиб ишлаган профессор Насимхон Раҳмон тавсия этган (талабаларга назарга тушган). Акмал тиришқоқ, топшириққа ижодий ёндашадиган изланувчан журналист сифатида тезда танилди. Бакалаврликни ҳимоя қилгандан сўнг магистратурага имтиҳон топширди ва давлат грантини кўлга киритди. Қоида бўйича магистрантни ишдан бўшатили керак эди. Лекин қайси муҳаррир иқтидорли ходимни қўлдан чиқаргиси келадди?

Насимхон ака билан келишиб, унинг ишлашига ва ўқишига шароит яратиб бердик. У магистратурани муваффақиятли тугатди ва бўлим бошлиғи вазифасига кўтарилди. Мана ҳозир ўз овозига эга журналист сифатида яхши мақолалар ёзмоқда. Шоирлиги ҳам бор.

Унинг ёнида ўтирган чироқчилик экани шундай юз-кўзида билиниб турган дўстим Нарзулла Маҳаммад бўлади.

Илк тўплами — "Ҳаёлимда асраганим" китоби билан умидли ҳикоянавис сифатида тилга тушган Салим Абдураҳмоновнинг иқтидори газетанинг адоқсиз юмушларида тез чархланди. Турган ерингда, юрган йўлингда ўргимчак туридек онгу шуурингни чулғаб олган ахборот турларини узиб, кадрдон тоғлар бағрида бор ҳолича яшаётган содда-дўлвор ҳамқишлоқларнинг ҳаётига ўз одами каби кириб бориш осон эмас. Салимбой бунини удалади. Ёзганлари Ўзбекистон Республикаси санъат ароби, адабиётшуно олим Иброҳим Ғафуров ва иқтидорли танқидчи Баҳодир Каримнинг назарига тушди: улар ёш ёзувчининг илк китобига кириш сўзи ва сўнгсўз ёзишиб, ундаги ҳикояларни ўқувчилар учун яхши таҳлил қилиб беришди.

Ўзбекининг катта шоирларидан бири, раҳматли Азим Суянов дўстимизнинг ижодини қузатиб, маслаҳатлар бериб турар эди. Устозларнинг оқ йўли ҳаётнинг синовларга тўла қаҳир-тиканакли сўқмоғида қўлловчи ва йўлловчи нафас бўлади. Иброҳим Ғафуровнинг "Шояд XXI аср ўзбек адабиёти унинг қиёфаси ва сазъ-ҳаракатларида ёмби бир ҳикоянависни топгай", деган йўлочар ниятлариди уюқликка кўтарилиш учун катта ижодий жасорат талаб этилишини Салим Абдураҳмон яхши тушунади.

Маврида келиб қолгани учун бу инсонларни бирлаштириб турадиган битта хусусиятини айтсам. Улар шоир бўлган, ёзувчилик қиламан деб Ўзбекистоннинг турли кентларидан пойтахтдаги ижодкорларни тайёрлайдиган Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика ва филология факультетларига ўқишга киришган, ижара уйларида яшашнинг барча машаққатларини бошидан кечиришган, ОАВда ишлаб, ижодини кундалик нашрларда chop этилаётган мақола-ю очеркларга омухта қилиб яшади. Ёки яшаш учун курашади. Шунинг учун уларнинг битикларида дард бор, ҳарорат бор.

Айни пайтда ёш журналист дўстларнинг бизнинг авлод журналистларидан фарқланадиган яна битта жиҳат ҳам бор. Бизлар Ўзбекистон мустақиллиги узоғи билан ўн-ийгирма йиллик мева беради, деб жуда ишонганмиз. Бу авлод эса биз яшаётган мустақилликни гўёки улкан бинонинг ҳовзаси деб тушунади. Унинг ичини ва ораликларини тўлдириб учун яна неча ўн йиллар меҳнат қилиш, курашиш, керак бўлса жонфидо бўлиш кераклигини яхши ҳис этишади. Уларнинг машваратдаги завқли суҳбатлари ва баҳсларини тинглаб шундай хулосага келаман.

Абдуҳалиқ АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

ЁД ЭТИБ

Журналистлик раҳматли дўстимиз Насриддин Муҳаммадиевага (матбуотдаги адабий таҳаллуси — Носир Муҳаммад) ота касб эди. Отаси Мисриддин ака Муҳаммадиев ўттиз беш йил мобайнида туман газетасининг муҳаррири вазифасида ишлаганди.

Оиладаги ижодий муҳит Насриддиннинг касб таллашида муҳим омили бўлди. Мактабни битиргач, Тошкент давлат университетининг филология факультетида хўжжат топширди. Университетни тамомлагач, пойтахтдаги газета ва журналларда ўттиз йилдан зиёд хизмат қилди. Биргина "Тошкент оқшоми" газетасида машҳур ёзувчимиз Уткир Хошимов билан бир хонада ўтириб ўн йил ишлади. Газета бош муҳаррири Сатдулла Қароматовдан ҳам кўп нарсани ўрганди. Уша даврда "Тошкент оқшоми" газетасининг юртимизнинг адабий-маданий ҳаётидаги мавқеи, нуфузи анча баланд эди. Насриддин аксарият ижодкорлар каби илк машқларини шеър ёзишдан бошлаган бўлса-да, матбуотнинг қора, захматли юмушларини бажонидил зиммасига олди. Матбуотда қалами қайрилиб, етук ижодкор бўлиб етишди.

Утган йиллар мобайнида "Эстетик идеал ва адабиёт", "Оз-оз ўрганиб, доно бўлур" (Ш.Зунун билан ҳаммуаллифликда), "Салом, келажак", "Баҳор таронаси", "Ҳикматлар", "Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида", "Насоф ва Кеш алломалари", "Тафаккур учкунлари", "Сумалақдан тош топдим", "Анқони маҳрам қилдингиз" каби ундан зиёд китоблари chop этилди. Китобларнинг номи ва мундарижасидан ҳам кўриниб турибдики, Насриддиннинг истеъдоди серқирра, билим ва қизиқиш доираси кенг ва гоёта ранг-баранг эди. Ҳам назм ва насрда, мутаржимликда, тарихий мавзуларда илҳом ва иштиёқ билан қалам тебратарди. Ғарб ва Шарқ маданий, маънавий меросини пухта ўзлаштирганди.

Насриддиннинг мумтоз адабиётга бўлган қизиқиши ва қобилиятини пайқаб, имкониятларини тўғри баҳолаган раҳматли аллома Эргаш Рустамов (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) дўстимизни илмий иш билан шуғулланишига астойдил давъат қиларди. Хизматда ҳамнасаб каттиқ банд бўлган дўстимиз гарчи диссертация ёзишга вақт топмагани билан ҳам, мумтоз адабиёт, хусусан, Навоий ижоди ҳақидаги қизиқарли мақола ва китоблари билан устознинг руҳини шод этганди бўлди.

Насриддин форс, турк, рус тилла-

рини анча мукамал эгаллаган, немис ва инглиз тилини ҳам яхши биларди. У эринмай Тошкент давлат университетининг шарқшунослик факультети қошидаги икки йиллик форс тили курсини битириб, Эронда форс тили бўйича таржимон бўлиб ҳам ишлади. Тил билгичлиги жаҳонга чиқишида, жаҳонга чиққанлиги эса тилларни яхши ўзлаштиришида кўл келди.

Насриддинни жаҳонгашта ижодкор эди, десак тўғри бўлар эди. Уч йил Эронда таржимон бўлиб ишлаган, Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонасида эса икки йил мобайнида биринчи китоб вазифасида хизмат қилган. Хориқ таассуротлари асосида мақолалар, китоблар chop этганди.

Насриддиннинг яна бир ибратли жиҳати ҳам ҳавас қилардим, ҳам ҳайратланардим. Одамлар бир кунда саккиз соат ишласа, у йигирма тўрт соат ишлаётганда тўлоларди, аслида ҳам хизмати шунақа эди. Яна шу алфозда ижод учун вақт топганига қўйил қолардим. Барча ёзган асарлари масъул хизмат вазифаларида қаттиқ банд бўлиб турганида, гоҳо дам олишни чеклаш ҳисобига яратилган. Тиришқоқлиги, меҳнатқашлиги, кўйди-лишдилиги, жонсараклиги қониди бор эди. Ҳаётда нимагаки эришган бўлса, ҳаммасига ўзининг меҳнати билан эришганди.

Муқаддас Қуръони Каримда "Фейлингиз — тақдирингиз", деган пурҳикмат қалом бор. Халқимиз ҳам "Нима топсанг, феълингдан топсанг", деб бежиз айтмайди. Назаримда, Насриддин ҳам ҳаётда нимагаки эришган бўлса, аввало, феъл-атворининг неқбинлиги, муттасил комплиқка интилгани туфайли эришган.

Эсимда, бундан анча йиллар муқаддам Туркиядан самолётда юртга қайтаётганим, у ерда ишлайдиган ҳамюртлар билан ҳамроҳ бўлиб қолдик. Орасида Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонасида ишлайдигани ҳам бор экан. Гурунғ асносида элчихонада ишлаган Насриддин Муҳаммадиевни танийсизларми, деб сўрадим. Шунда бирдан жонланиб, оғизларидан бол томиб, бир-бирига гал бермай, дўстимизни алқашга тушдилар. Мени янада ҳайратлангиргани уларнинг эътиборлари жуда ҳам самимий эди...



ЎЗИ ҲАМ, СЎЗИ ҲАМ ГЎЗАЛ ЭДИ

Муборак ҳадисларда айтилади: "Кимнинг хулқи гўзал бўлса, унга жаннатнинг энг тўридан қаср бино қилинади".

Дарҳақиқат, хулқи гўзал, феъл-атвори кўноқ, самимий, хушчақчақ одам ҳамнасаб, ҳамма ерда ардоқланади. Ҳаётда ҳам иши ўз-ўзидан юришиб кетаверади. Насриддин ҳеч қачон танитиш-билишларини орага қўйиб, ўзига иш қидирмаган, балки ишининг ўзи уни қидириб топган. Ҳақиқат дўстларининг, ҳамкасбларининг ардоғида яшайди. Уни бир кун кўрмаса соғиниб қоладиган дўстлари, журалари кўп эди.

Айниқса, устоз Эркин Воҳидовнинг унга меҳри, илҳоси (улар "Ёшлик" журналы гуриллаган замонда бирга ишлаганди) жуда баланд бўлган. Насриддин шундай ардоққа лойиқ инсон эди-да. Эркин ака ҳаётининг охириги йиллари педагогика университетини ёнидаги ижодхонасида тунелор қилиб, Насриддин иккимизни хузурга чорлаб турар, шахмат баҳонасида яхшигина гурунглашар, шундай улғур инсон билан замондош, ҳамнафас эканлигидан биз ҳам кезиксиз гурунлар эдик. Гоҳо Насриддинни соғиниб уйига телефон қилсам кўпинча: "Дадамиз ҳали ишдан қайтмадилар ёки дадамиз меҳмондорчиликда!" — деган жавоб бўларди. Қуришганимизда ўзига: "Уйга ҳам келиб турибсизми?", дея ҳазиллашиб кўярдим.

Насриддин билан университетни кетма-кет битирганимиз. Тақдир тақозоси билан битта "дом"да яшадик. Чорвоқдаги дала ховлимиз ҳам бир жойда эди. Дўстимиз қиллоқда ўсган эмасми, ерга ниҳоятда меҳр қўйган, бола-чақаси билан дала ховлисига астойдил тер тўкиб меҳнат қиларди. Натиха ҳам захматга

яраша бўларди. Баҳор ноқулай келиб, кўпчиликнинг меваларини совуқ уриб кетганда ҳам Насриддинларнинг дарахт шохларига чирмайиб кетган узуми мўл-кўл ҳосил беради. Шотутлари, хурмо-лари шилиш-шилг мева тугарди. Аллоҳ яхши инсонларни ўз неъматлари билан шунақа сийласа керак-да.

Дунёга машҳур ёзувчилардан бири ўғлининг фотосураги орқасига: "Менинг энг яхши асарим!" — деб ёзиб қўйган экан. Мураккаб ҳаётда гоҳо ижодни рўқач қилиб, оилага бепарво қараши оқибатида боши қулфатдан чимқийдиган кимсалар ҳам учрайди. Шу ўринда Лев Толстойнинг: "Оилада бахтли бўлган инсонгина ҳаётда бахтли бўлади", деган ҳикматли гапи эсга тушади. Насриддин ниҳоятда оилапарвар, оилада чинакам бахтли инсон эди. Ўзига муносиб, ҳаётнинг хуш-нохуш кунлариди, хорижда кетган узок мусофирилик йилларида елкадош-ҳамнафас бўлган фариштали умр йўлдоши Машруфохон билан бир қиз, тўрт ўғилни тарбиялаб, воёга етказди. Имон-эътиқодли, солиқ фарзандлари ҳаётдан ўзларининг муносиб ўринларини топишди. Ота-оналари уларнинг орзу-ҳавасини кўриш бахтига муяссар бўлдилар.

Насриддин ҳаётдан завқ олиб яшашини билар, дўстларини ҳам шундай бахтга чорлар эди. Ашадий шахмат ишқибози, ижодкорлар ўртасида ўтказилган Чорвоқ муСОБАқасининг икки қарра голиби, устоз Эркин Воҳидов: "Мен учун одамлар икки тоифага бўлинади — шахматни билладиганлар ва билмайдиганлар", деган эди. Биз Насриддин билан биринчи тоифага мансуб — шахмат "жинни"си, яъни ҳаётда катта дўст, шахматда эса муносиб рақиблар эдик.

Насриддин шахмат билан боғлиқ тадбирларда, айниқса, ижодкорлар ўртасидаги муСОБАқаларда ҳамнасаб фаол эди. Шахмат баҳонасида — Иброҳим Ғафуров, Сайди Умиров, Бахтиёр Назаров каби устозлар, Хуршид Дўстмуҳаммад, Сувоп Мели, Ҳабиб Темиров, Носирхон Тошматов, Мирпўлат Мирзо, Зухриддин Исомидинов, Шохрух Акбаров, Сайджон Сиддиқов, Екубжон Хўжабердиев каби дўстлар билан дийдор кўришиб, мириқиб гурунглашар эдик.

Насриддиннинг ғайрати, ташаббуси билан Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Носир Муҳаммаднинг "Хут шамоллари" деган салмоқли "Сайланма"сини нашр этди. Унга ижодкорнинг турли йилларда ёзган шеърлари билан бир қаторда форс, турк, немис, рус тилларидан қилган таржималари ҳам киритилган. Қимматли манбалар асосида ёзилган "Турон тарихи" китоби ҳам муҳлис ва мутасаддиларда илқ таассурот қолдирди. Шунингдек, унинг юртимизда матбаачилик ва кутубхоначилик тарихига бағишланган китоби ноёб китоблар қаторидан ўрин олди.

Ўзининг табарруқ етимиш ёшини қирчиллама йилгидек тетик, кўтаринки кайфиятда кутиб олган дўстимизнинг ҳали ижодий режалари бисёр эди. Афсуски...

Ажойиб инсон ва етук ижодкор Насриддин Муҳаммадиевнинг бир неча йил олдин ҳаётдан бевақт кўз юмиши уни яқиндан билган ёру биродарлари, қариндошлари учун оғир мусибат бўлди. Ягона таскин-тасалли шуки, у аввало, ўзидан яхши ном, яхши хотира ва бой адабий мерос қолдирди. Албатта, унинг умри отасининг чирогини ёқиб ўтирган солиқ фарзандларда, набира, эвараларида, қатор китобларида давом этмоқда.

Шодмон ОТАБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ИНСОН МАНЗАРЛАРИ

Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшомда” қиссасида “чеккагир” деган бир сўз бор. Кўпқарида чавандозлар ердаги улоқни йиқилиб тушгудай бўлиб энгашиб олиб, тақимига босай деганда, четда айланиб юрган ғирром улоқчилар пайт пойлаб туриб, улоқни тортиб кетаркан. Демак, ишнинг оғири битгач, тантана чоғи байроқни қўлингиздан юлиб олувчилар “чеккагир” дейилар экан...

ЧЕККАГИРЛАР

Ахйри, мухташам театрининг елкасига офтоб теги — махсус лойиҳа асосида янги бино қуриб бериладиган бўлди. Узиям, ўн тўрт йил ичида уч жойга кўчиб, охири пайта эски пахта заводининг хароб клубасида жон сақлаб келишадиган эди-да. Бу ижодий жамоанинг ўн беш йиллик раҳбари Маҳкам ака, санъат арбоби, ҳамма нарсани унутиб, қурувчилар ичида югуриб юрадиган бўлиб қолди, қўйилаётган ҳар бир ғишт, ўрнатилаётган ҳар бир эшикни кузатишга уринар, танбех берар, усталарга “театр — муқаддас дароҳ”, деган гапни ўқтиришдан чарчамасди. Ахйри, улар орасида “Муқаддас ака” деган лақаб ҳам ортирди.



Бир ярим йил ичида анча озиб қорайиб кетди, лекин бинокорлик деса бинойидай маслаҳат беришга ярайдиган бўлиб қолди. Яп-янги туфли билан тупроқ кечиб юғураб, лойга оёқ босишига тўғри келса, кийимини аяб ўтирмас, бино учун қазилган котлованга тушиб, пайвандчи йигитлар билан ҳорма-бор бўл қилар, бўйни-боши тердан шалаббо юрар эди.

Иморат битгач, яна бир саховат кўрсатилди. Мебелу жиҳозларни ҳам батамом янгилаб берамиз дейишди, бир неча декорацияларни демаса, эски жойдан ҳеч нарса олқилишининг ҳожати йўқ экан. Директор учун бир энгил автомашина, жамоага эса янги автобус инъом этиладиган бўлди.

Шаҳарнинг қўқ марказида, яшилтоб ойнаванд деворли бино ичида Маҳкам ака муночилигини сездирмай юришга уринади, ҳар бир хонага кириб, қайси санъаткорга қайси хона берилишини чамалайди, тушларига ҳам шу ташвишлар кириб чиқади.

Нихоят, эртага театр биноси тантанали равишда очилади, деган кун кечроқ кўл телефони жаранглаб қолди. Ҳокимнинг шу соҳа бўйича муовини экан, бир келиб кетишини тайинлади. Эртанинг тадбирининг маслаҳати бўлса керак, деган уйда, Маҳкам ака айрилган соатда унинг қабулига кирди. Нимагадир, муовиннинг чеҳраси ўта жиддий, сипо ўтирар, илгариги ҳазил-хузулларидан асар ҳам йўқ эди.

— Хўш, домла, театр жамоасининг кайфияти қалай, “нормальный”ми?

— Раҳмат, ҳамма хурсанд, сизлардан миннатдор, зўр иш бўлди.

— Ҳм-м, “та-ак”, яхши! Энди... гап бундай, раҳбарият билан кенгашиб, бир қарорга келиндик. Сиз, мана, олтиш тўртта кирибсиз, бу энди — бўғми пенсия дегани. Хабарингиз бор, ҳозир ҳамма жойда ёшларга эътибор катта. Шунинг учун ўз ихтиёрингиз билан ишдан бўшаҳ ҳақида ариза ёзиб, қабулхонада қолдириб кетинг, ўринингизга янги одам тайинланяпти.

— К-им? — дея савол бера олди туйқусдан эшитган бу хабарга ишониб-ишонмай. Маҳкам ака ногаҳон бошига тушган бу зарбани онги тўлиқ идрок эта олмаётган эди.

— Сиз танимайсиз, келажак порлоқ ёш кадрлардан, — деди ҳоким муовини ва гап тамом дегандай, катта столда қатор турган телефон аппаратларидан бирини олдида тортиб, рақам тера бошлади.

Эсанкираб қолган Маҳкам ака қандай қилиб ариза ёзди, қандай қилиб ташқарига чиқди, янги бинога — собиқ ишхонасига кириб келиб, бир-икки халта майда-чуйдаларини олиб уйига жўнади — Узи ҳам билмайди.

Тўғри, иш дегани кишига бойлаб берилган эмас, ҳар кимнинг бир кун бўшаҳи аниқ, лекин нега энди шунча куйиб-пишиб, саратонда тупроқ кечиб салкам икки йил қурилишда юргани эвазига шундоқ янги бинодо, чиройли кабинетда бир кун ҳам ишлашга қўйишмади, ҳамма нарса битганида бўшатишяпти ё етдим деганда йиқилдим, деганлари шунақа бўладими? Театр очилишига атаб ёзган нутқи ҳам энди керакмас, униям кўйинг, лоақал жамоани йиғиб, пенсияга кузатиш деган гаплар ҳам йўқ, баайни ишдан ҳайдалган пиёнистадай кетяпти — шу алам қилар, дилида нукул “нега ё бирон жойда хатога йўл қўйдимми, нега энди?” — деган савол айланаварди.

Эртаси боши оғир, юраги ғижимлаб турган, кайфияти тушкун бўлиб уйғонди. Қанчадан-қанча

драматик ва фожиий ролларни қойиллатиб ўйнаган атоқли актёр бугун — ўз бошига тушган бу қадрсизлик олдида ниҳоятда ожиз ва увол ҳолда эди. Битта-битта қаддам ташлаб, ҳовли ўртасидаги узум олдига етиб борди. Дармонсизлики ё бошқами, йиқилиб тушмаслик учун узум танасини маҳкам чангаллади-да, кўнгли ағдарилиб, қайд қилиб юборди.

Кўзини очса — пардай энгил, нотаовон ҳолда оппоқ бир хонада каравотда ётибди. Бир нима демокчи эди, товуши чикмади. Шу пайт бир ҳамшира етиб келиб, “Амаки, қимирламай ётинг, яхши бўлиб қоласиз”, деб уни тинчлантирди. Билагиди осма уколни тўғрилаган бўлди, оғзидаги кислорол берадиган найчадан хабар олди.

“Касалхонага тушибман-да”, деб ўйлади Маҳкам ака ва бола-чақасини эслади: “Улар қаердайкин, менинг аҳволимни билшармикин?”

Хайриятки, тўнғич ўғли санъат-панъат деб ўралашмаган, ишлаб чиқариш билан шуғулланар эди, бизнесменга ўхшаб ҳаракат қилибди — марказидаги барча шифокорларни оёққа қўйиб, бир-икки профессорни қақртирибди, айтилишича, шунақа қилиб, Маҳкам акани нарига дунё оғзидан бир амаллаб қайтаришибди... Ҳамкасблари кейинроқ эшитишибди.

Орадан ойлар ўтди. Маҳкам ака оёққа турди. Барибир, санъат одами эмасми, ўзи қирқ йил ишлаган театрдин оёқ узиб кета олмади. Қайсидир анжуман баҳона, бир кунни ҳасса таяниб, бинога кириб борди, эски кадрдонлар билан омонлашиб, партердаги бир креслога чўкди. “Тадбир” бошланган, бошловчи “анжумани очиб бериш учун сўз театримизнинг мухтарам директори “вич-вич”га берилди, марҳамат, олқишларингиз!!!” — Сиз танимайсиз, келажак порлоқ ёш кадрлардан, — деди ҳоким муовини ва гап тамом дегандай, катта столда қатор турган телефон аппаратларидан бирини олдида тортиб, рақам тера бошлади.

Эсанкираб қолган Маҳкам ака қандай қилиб ариза ёзди, қандай қилиб ташқарига чиқди, янги бинога — собиқ ишхонасига кириб келиб, бир-икки халта майда-чуйдаларини олиб уйига жўнади — Узи ҳам билмайди.

Тўғри, иш дегани кишига бойлаб берилган эмас, ҳар кимнинг бир кун бўшаҳи аниқ, лекин нега энди шунча куйиб-пишиб, саратонда тупроқ кечиб салкам икки йил қурилишда юргани эвазига шундоқ янги бинодо, чиройли кабинетда бир кун ҳам ишлашга қўйишмади, ҳамма нарса битганида бўшатишяпти ё етдим деганда йиқилдим, деганлари шунақа бўладими? Театр очилишига атаб ёзган нутқи ҳам энди керакмас, униям кўйинг, лоақал жамоани йиғиб, пенсияга кузатиш деган гаплар ҳам йўқ, баайни ишдан ҳайдалган пиёнистадай кетяпти — шу алам қилар, дилида нукул “нега ё бирон жойда хатога йўл қўйдимми, нега энди?” — деган савол айланаварди.

Эртаси боши оғир, юраги ғижимлаб турган, кайфияти тушкун бўлиб уйғонди. Қанчадан-қанча

телефон қилишибди. Опа хурсанд, таъмирини туманда биринчи бўлиб тугатишяпти, қолаверса, вилоят бўйича раҳбарнинг олдида юзини ёруғ қиладиган бошқа нарсалар ҳам бор — икки йил ичида дашт каби ялангликдан иборат мактаб теварегини ғишт девор билан чиройли қилиб ўраттирди, тақир ерларни ҳайдатиб, юзлаб мевали дарахтлар ўтқазибди, бунгаям кўнгли тўлмай, дарахтлар орасига пиёз, саримсоқ каби экинлар экилган эди, ёз борди, эски кадрдонлар билан омонлашиб, партердаги бир креслога чўкди. “Тадбир” бошланган, бошловчи “анжумани очиб бериш учун сўз театримизнинг мухтарам директори “вич-вич”га берилди, марҳамат, олқишларингиз!!!” — Сиз танимайсиз, келажак порлоқ ёш кадрлардан, — деди ҳоким муовини ва гап тамом дегандай, катта столда қатор турган телефон аппаратларидан бирини олдида тортиб, рақам тера бошлади.

Эсанкираб қолган Маҳкам ака қандай қилиб ариза ёзди, қандай қилиб ташқарига чиқди, янги бинога — собиқ ишхонасига кириб келиб, бир-икки халта майда-чуйдаларини олиб уйига жўнади — Узи ҳам билмайди.

— Хўш, домла, театр жамоасининг кайфияти қалай, “нормальный”ми?

— Раҳмат, ҳамма хурсанд, сизлардан миннатдор, зўр иш бўлди.

— Ҳм-м, “та-ак”, яхши! Энди... гап бундай, раҳбарият билан кенгашиб, бир қарорга келиндик. Сиз, мана, олтиш тўртта кирибсиз, бу энди — бўғми пенсия дегани. Хабарингиз бор, ҳозир ҳамма жойда ёшларга эътибор катта. Шунинг учун ўз ихтиёрингиз билан ишдан бўшаҳ ҳақида ариза ёзиб, қабулхонада қолдириб кетинг, ўринингизга янги одам тайинланяпти.

— К-им? — дея савол бера олди туйқусдан эшитган бу хабарга ишониб-ишонмай. Маҳкам ака ногаҳон бошига тушган бу зарбани онги тўлиқ идрок эта олмаётган эди.

— Сиз танимайсиз, келажак порлоқ ёш кадрлардан, — деди ҳоким муовини ва гап тамом дегандай, катта столда қатор турган телефон аппаратларидан бирини олдида тортиб, рақам тера бошлади.

Эсанкираб қолган Маҳкам ака қандай қилиб ариза ёзди, қандай қилиб ташқарига чиқди, янги бинога — собиқ ишхонасига кириб келиб, бир-икки халта майда-чуйдаларини олиб уйига жўнади — Узи ҳам билмайди.

Тўғри, иш дегани кишига бойлаб берилган эмас, ҳар кимнинг бир кун бўшаҳи аниқ, лекин нега энди шунча куйиб-пишиб, саратонда тупроқ кечиб салкам икки йил қурилишда юргани эвазига шундоқ янги бинодо, чиройли кабинетда бир кун ҳам ишлашга қўйишмади, ҳамма нарса битганида бўшатишяпти ё етдим деганда йиқилдим, деганлари шунақа бўладими? Театр очилишига атаб ёзган нутқи ҳам энди керакмас, униям кўйинг, лоақал жамоани йиғиб, пенсияга кузатиш деган гаплар ҳам йўқ, баайни ишдан ҳайдалган пиёнистадай кетяпти — шу алам қилар, дилида нукул “нега ё бирон жойда хатога йўл қўйдимми, нега энди?” — деган савол айланаварди.

Эртаси боши оғир, юраги ғижимлаб турган, кайфияти тушкун бўлиб уйғонди. Қанчадан-қанча

лар қилдириб, энди битираганимда туман ҳокимининг қайнисинглисига олиб беришган эди. Мана энди ҳам бирон эркактойга шундоқ обод қилинган, ҳамма нарса муҳайё жой керак шеклилли. Бўлмаса, ана, эски хўжалик ўрнидаги беш-олти мактабнинг биронтасига директор тополмай сарсон бўлишяпти... Вой тайёрига айёрлар-ё! Ишлаб-ишлаб, мактабни ҳар жиҳатдан олдинги қаторга олиб чиққанмида-я? Бунақа муттаҳамларнинг уруги мунча кўп экан-а?..

Миртемир салкам эллик йил аввал “Кунинг келипти-да...” деб бир бахшиёна тўртлик битган экан:

Шопириб-шопириб, Шодмонжона суз,
Ўпириб-ўпириб, Ўрмонжона суз.
Қарама ҳеч кимнинг қош-қовоғига,
Санамай саккиз де, ўйламай тўққиз.

Давринг келди — сур бегим, дейдиганлар ҳақида ёзилган бу шеър.

Ажаб, кимдир сал юқориюқ амал курсисига ўтирадиган бўлса, ҳали ўтирмасидан яқинлари ёпирилиб келади — ҳаммаси ҳам хурсанд, бахтиёр, ҳаммасининг бир исми бор. У ҳам бўлса “раҳбар” бўлиш.

Бу одам хоҳ-нохоҳ бўлиб, ҳақноҳақ ишлар қилиб, ўшаларга юмшоқ, иссиқ ўринлар очади, давлатнинг бергани — халқнинг маблагини ўшаларга сочади. Кимнингки бирон амалдор яқини бор, ҳеч кимдан тап тортмайди, афтига қарасангиз, кўзида қақини бор. Чунки у фалон тўранинг ғўраси, фалон мингбошининг жўраси! Қариндошу қўшиллар келади, курсдошу синфдош, тенг-тўшу маҳалладош — бари ёпирилади. Сен шу иш-лавозимни эгаллашга лойиқ мутахассиссан, ҳеч қўриса, шу соҳада ўқиганмисан, деб сўраб ҳам бўлмайди улардан, “юқори”да ўтирган бояги амалдорнинг ғазабига қоласиз, сазойи оламон бўласиз, расвойи жаҳон бўласиз!

Унинг тоғаси, унинг дўсти, аммасининг невараси, укасининг жасаси, тоғасининг шоғирдбачаси... ишқилиб, тўраларимизнинг аллакимиди-да, у!

Ажабки, бундай “огайин”лар қанча кўпайса, бояги амалдорнинг мансабдан тушиши шунча тезлашадди. Яқинлар ёвдан ҳам ёмон иш қилишадди.

Уёғини сўрасангиз, бу ҳам коррупциянинг ўзгинаси. Коррупция томир ёйган жойдаги одамларнинг ҳоли менга “Ўткан кунлар” романидаги бир девонани эслатади: “Қовоқ девона деганимиз ўрта ёш, сийрак соқол, қотма, кун иссиғлиғига қарши ўчақишқандек бошига эски телпақ, эғнига пахтаасидан бошқаси тўзиб кеткан гулпи чопон кийиб, янги бўз белбоқни беш-олти айландириб боғлаган ва унга беш-олтиша чилим қовоқдан тортиб то сувқовоқ, носқовоқ ва томоша қовоқларгача оқсан; қовоқларнинг оғирлиғидан аранг ҳаракат қиладирган ўз замонасининг машхур бир девонаси эди”. Ҳа, коррупция дастидан бирон қадамни шахдам қўйиб бўлмайди, қаёққа қараб бурилса ҳам, гарданидан оғир бир тавқи лаънат бўлиб босиб, ерга қапиштириб туради жамиятни. Давлат иши олдинга босмайди.

Биз эса ўзимизга хос “бағрикенглик” билан уни қадрдончилик, оқибатчилик, мурувват, сийлов ва бошқа ҳар бало деб папалаб, юмшоққина номлар билан атайимиз. Аслида, унинг ўзбекча номи — таниш-билишчилик. Эраш ўзи ҳақли бўлмаган нимагаки одамни, ноўрин йўл орқали эришадди, чунки ё бирон тўра аралашган, ё “қўл-қўлни юрган” бўлиб чиқади.

“Коррупция — ядро қуролидан ҳам хавфли”, деган эди таниқли кишилардан бири. Аввалаги, бу фикрга қўшилмаслигингиз мумкин. Бироқ унинг мамлакат илгини сўриб қўядиган, тараққий этишига ҳар он, ҳар қандай ҳолатда ғов бўладиган нарса эканини кўргангиздан, шуни бошдан ўтказганингиздан сўнг юқоридagi ибора ҳалиям юмшоқ қилиб ифодаланган, дейсиз, ишонаверинг...

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ.

ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

КИШ СОВУҒИ ВА КҶЧАДАГИ ҚОҶҚИНЛАР

Босния ва Герцеговинада Рождество арафасида қоққинлар лагери ёниб кетди, миндан ортиқ муҳожирлар кўчаларда ухлашга мажбур бўлдилар.



“Ушбу лагер шу йил бошида очилган эди, чунки бошқа жойлар ҳаддан ташқари тўла эди ва шароитлар етарли эмасди. Бир қатор сабабларга қўра, у ерда сув ва электр таъминоти йўқ эди, шунингдек, лагер қишга тайёр эмас эди. Ва энди, ёнғин чиққандан кейин улар ҳеч қачон тайёр бўлмади”, — дейилди хабарларда.

Маълумотларига қўра, лагерда 1400 муҳожир яшаган, шу жумладан аёллар ва болалар, улар энди кўчаларда “яшаши” керак бўлади. Бундан ташқари, Хорватия билан чегарада жойлашган Унско-Санско кантонда аллақачон 1500 қоққин кўчада яшамоқда. Улардан баъзилари тунни ташландиқ биноларда ёки ўрмондаги вақтинчалик чодирларда ўтказмоқдалар.

Қизил Хоч ва Дания қоққинлар Кенгаши 1500 нафар муҳожирга иссиқ кийим тўпламлари, ухлаш учун қўрпа-тўшақлар, озиқ-овқат ва шахсий гигиена тўпламларини тақдим этди.

ИШСИЗ ҚОЛГАН ҚОРБОБОЛАР

Финляндиялик Қорбоболар бу йил деярли ишламаяпти. Фақат бир неча оила уни табриклаш учун ўз уйига тақлиф қилишда таважжал қилди.

Финляндиялик ота-оналар болаларга шунчаки Рованиемидagi Жоулупуки қароргоҳидан видеони намойиш қилиш билан чеклاندилар. Шундай қилиб, Суомида аксарият болалар учун аънавий Янги йил арчаси онлайн тарзда ўтказилди.

Тантаналарнинг узоқдан ташкил этилганлиги сабабли, Қорбоболар катта йўқотишларга юзланишмоқда. Одатда Финляндиянинг Қорбоболари битта оилага ташрифи учун 100-150 евро олади. Ўтган йилларда уларнинг декабрь ойидаги даромади 2-3 минг еврога етган эди.

ЭРОН НЕГА ХАВОТИРДА?

Эрон АҚШ президенти Доналд Трампнинг лавозимидан кетишдан олдинги сўнги зарбасидан қўрқди ва ядро иншоотларида ҳаво ҳужумидан мудоффа тизимини кучайтирди.




Таъкидланишича, Техрон Вашингтон билан зиддиятлар фониди юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай қутилмаган ҳарбий ҳодисалардан қўрқади.

Декабрь ойи охирида Эрон АҚШ билан зиддият шароитида ядро қуроли устида ишлашни қайта бошлагани ҳақида хабар берилган эди. Сунъий йўлдошлардан олинган маълумотларга қўра, Техроннинг жанубида жойлашган Эрон уранини бойитиш заводи — Фордодаги ер ости ядро иншооти ҳақида гап бормоқда. Эрон ҳукумати ишни қайта тиклашни реклама қилмаган, аммо Фарб мутахассислари Техроннинг ядро қуролидан қўрқишади. Эрон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар кескин бўлганлиги сабабли, биринчи томон ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ниятидан воз кечиши мумкин.

ХОРИЖ РАДИОСИНИ ТИНГЛАГАН КЕМА КАПИТАНИ ОТИЛДИ

Шимолий Кореядаги балиқ овловчи кема капитани АҚШ радиосини тинглагани учун ўлимга ҳукм қилинди. Қуруқликка қайтишганида уларни қуролланган аскарлар қарши олиб, капитанни тўпла-тўғри судга олиб кетишган.



Журналистлар ёзишича, бу инсон 50 кемалик флотни бошқарган, ҳукумат аъзолари, ҳатто шахсан Ким Чен Инни ҳам балиқ билан таъминлаб келган. Бироқ “Радио Фрее Асия” (“Озод Осиё” радиоси)ни тинглаш балиқчиға ўта қимматга тушиди, капитан Чойни Корея Меҳнат партияси сийасати қарши қўпроғувчилик ҳаракатида айбдор деб топишди.

Чой судда айбига, тўғрироғи, тақияланган радиостанцияни тинглаганига икор бўлган. 24 ёшидан бери — армияда радист бўлиб хизмат қилганидан бошлаб бу радиони эшитиб келишини ҳам яширмаган.

40 ёшли капитан Чойни 100 нафар бошқа капитанлар кўз ўнгида отиб ташлашди. Унга денгизда ишлашга рухсат берган партия амалдорлари ва хавфсизлик хизмати ходимлари ишдан олинган.

КОРОНАВИРУС УЧУН САРФЛАНГАН МАБЛАҒ

Дунё мамлакатлари коронавирусга қарши курашга 13 триллион АҚШ долларини кўпроқ маблағ сарфлагани айтилмоқда.




Микдор АҚШ Конгрессидида келишилган ҳолда мамлакат иқтисодийетини рағбатлантириш бўйича қарийб 900 миллиард АҚШ долларига тенг чора-тадбирлар тўпланишига ўз ичига олади. Мутахассисларнинг фикрига қўра, 2021 йилда глобал давлат қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 125 фоизига етади.

Пандемия туфайли глобал иқтисодиётга етказилган умумий зарар 2021 йил охирига келиб 7 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Иқтисодиётни ривожланган мамлакатларда бу йил июль ойида миллий қарз жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 128 фоизига тенг бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, вакцина билан боғлиқ харажатлар ҳали ҳисоблангани йўқ.

“КОВИД ЙИЛИ”ДАГИ ЯНГИ МИЛЛИАРДЕРЛАР

Жаҳонда коронавирус пандемияси ҳукм сураган 2020 йилда соғлиқни сақлаш соҳасида 50 нафар янги миллиардер пайдо бўлгани ҳақида ёзмоқда “Forbes” нашри.



“Вакциналар тайёрловчи ёки тиббиёт ускуналари етказиб беришчи компанияларнинг акциялари қимматлашуви бу инсонларни янада бойитди”, — дейилди мақолада.

Нашр аниқлик киритишича, тилга олинган миллиардерларнинг аксариятида Хитойда — коронавирус инфекцияси биринчи бўлиб қайд

этилган мамлакатда яшашади.

Булар орасида Германиянинг “BioNTech” биотехнология компанияси бош директори Угур Шахин, Американинг “Moderna” компанияси раҳбари Стефан Бансел, “Shenzhen Kangtai Biological” бошқаруви раиси Ду Вэйминнинг собиқ хотини Юань Липин, тиббиёт ускуналари, хусусан, небулайзерлар, стетоскоплар ва тонометрлар ишлаб чиқарувчи “Contec Medical Systems” (Хитой) компанияси раҳбари Ху Кун, Канаданинг “AbCellera” компанияси раҳбари Карл Хансенлар бор.

ДЕПУТАТ РАФИҚАСИ БИЛАН АЖРАШИ

ЁКИ БОШҚА ПАРТИЯГА ЎТГАННИ БОШҚА ОИЛА ДЕГАНИМИ?



Ҳиндистонда “Бхаратия Жаната” халқ партияси депутати Саумитра Хон “Тринамула Конгресс” миллий партиясига ўтган рафиқаси Сужата Мандала Хон билан ажрашишга қарор қилди. Аёл матбуот анжуманида ўз қарорини эълон қилган, келасида эри ҳам шундай ўй тутушига умид қилганди.

Кўп ўтмай эркак ҳам матбуот анжумани ўтказиб, у билан ажрашаётганлигини эълон қилди. Унинг сўзларига қўра, рафиқасининг қилмиши ҳаммасига сабаб бўлган. Шундан сўнг ундан фамилиясидан “Хон”ни олиб ташлашни сўраган.

Аёл эрининг қарорига партиянинг босими сабаб бўлгани, деган ўйга борди. Шунга қарамай, аёл янги партияга қўшилганидан жуда мамнун.

Интернет хабарлари асосида Г.МАТЁҚУБОВА тайёрлади.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

2021

*Азиз ватандошларимизни,
талаба-ёшларни
яқинлашиб келаётган*

Янги йил билан

муборақабод этади!

*Янги йилда барчангизга осойишталик,
ишларингизга ривож, оилавий хотиржамлик,
бошлаган ва бошламоқчи барча амалларингизга омад
ва улкан ютуқлар тилаймиз.*

*Дастурхонингиз тўқин, ҳаётингиз фаровон бўлсин,
азиз юртдошлар!*



УСТОЗЛАР ҲАҚИДА

Таниқли ёзувчи Эркин Аъзамни “Файзининг амакиси”, “Хотира”, “Бир оқшом”, “Совуқ”, “Жиян”, “Олам ям-яшил” сингаари дастлабки ҳикоялари орқали таниганман. Ушандан буён ёзувчининг ашаддий муҳлисига айланганман.

Эркин аканинг илк китоби “Чироқлар ўчмаган кеча” тўплами тақдироти маросимида у киши билан юз-ма-юз танишганман. Бу тадбирга раҳматли устозим Неъмат Аминовга эргашиб боргандим.

Орадан бироз муддат ўтиб, ёзувчининг “Отойининг туғилган йили” қиссаси эълон қилинди. Эълон қилинди-ю, адабий жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлди. Адабиётда эса шарттағўй ва тўғрисиёз ёзувчи пайдо бўлган эди.

Эркин Аъзамнинг овози гўё Бойсун тоғининг дараларидан эшитилаётгандек гўмбурлаб чиқса ҳам, бу овозда инсоний меҳр бор, самимият бор. Баъзан ака қўлоғим яхши эшитмайди, деб шикоят қилади. Аслида, қўлоқлари яхши гапларни, адабиётнинг ютуқларини жуда яхши, мароқ билан эшитади. Баъзан ўзи ҳақидаги мақтовларни ҳам бемалол эшитиб, мийғида қўлиб қўяди. Ахир, мақтов кимга ёқмайди, дейсиз! Баъзан эса ўз шаънига айтилган бўлмағур, чучмап гап-сўзлардан қаттиқ ранжийди. Ноҳақликдан жигибийрон бўлади. Тўхмат, одам-ку одам, ҳатто тошни тешади, деган гап тўғри гап-да.

Ҳозир интернет деган даҳшатли бир ўлқон пайдо бўлди. Унда тўғриям, ўғриям, шаллақиям, безбет ва ор-номусиз кимсалар мағзава тўкиш билан, ҳалол ва тўғри инсонларни бадном қилиш билан оворалар. Интернет бериш имкониятини нотўғри тушунган айрим галамислар уни “демократия”, деб айюҳаннос солаётди. Агар демократия дегани бир-бировнинг юзига лой чаплаш, шаънини оёқости қилиш бўлса, бундай демократия асло керак эмас!

Эмишки, Эркин Аъзам гуруҳбозлик қилиб, машхур адиб Одил Ёқубовга қарши “курашган”, деган хабар интернетда эълон қилинди. Бу ғирт уйдирма ва ёлгон эди. Аксинча, Эркин ака Одил Ёқубовни ҳаммаша улуг ёзувчилардан бири, дея эъзозлаб келган. Адбнинг айнан адабиётдаги буюк хизматларини доимо эътироф этиб келади. Эркин ака мактабда ўқиб юрган пайтида устоз Одил Ёқубовга мактуб ёзгани ва бу мактубга устознинг теган жавоби ҳақида камина “Одил Ёқубов хазинасидан” китобимда батафсил сўз юритганман.

ЭРКИН АЪЗАМНИНГ ҲАССАСИ

Умуман, Эркин Аъзамнинг бирор ижодкор хусусида адабий давраларда ёки суҳбатларда қаттиқ гап қилганини эшитмаган ё кўрмаганмиз. Айрим тенгдошларига ўхшаб бақир-чақир ҳам қилмайди, минбарларга ҳадеб интилмайди. У ёзувчилик эътиқодига жуда содиқ. Ўзи билмаган, кўрмаган нарсаси ҳақида ёзмайди. Устоз Асқад Мухторнинг “Собирман” шеърини ҳаёт ва ижод йўлига шир қилиб олган:

*Бардошим бор,
ҳамма нарсани мен
Сабр билан кўтдим.*

Адабиёт гуруҳбозлик ёки маҳаллийчилик билан ривожланмаганини яхши билган Эркин ака бундай ноҳалол ва нобоп йўлларни четлаб келади. Айрим ижодкорларга ўхшаб, бу дарда муккасидан кетмаган. Бир дангал одати борки, ёмон ёзилган асарни, ёмон ёзган ёзувчининг

юзига ёмон деб айта олади!.. Агар қўлёзма маъқул келса ёки унда йилт этган бир нур борлигини сезса, албатта, пахсакаш уста каби обдан пиштади...

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида таниқли адиб Асқад Мухтор раҳбарлик қилган “Гулистон” журнали тахририятида ҳақиқий тахрир мактаби пайдо бўлган эди. “Гулистон”га ижод маҳсули олиб келмоқчи бўлган муаллиф аввал пухта ўйлаб, мулоҳаза юритиб, кейин қадам босарди. Тўғриси, ҳайқарди, юраги дов бермасди. Эркин Аъзам ана шу тахрир қозонида обдан қайнаган ва ушбу санъат сирларини пухта эгаллаган. Бу қозонча “олови”ни тахрирчилар устози Ваҳоб Рўзиматов қалаб тургани боис, шогирдлари зўр тахрир усталари бўлиб етишдилар.

Камина ҳам дастлабки машқларимни Эркин Аъзамга кўрса-

тиб, керакли ва зарур маслаҳатлар олганман. У кишининг аёвсиз тахрирдан сўнг, “Бахт қушим” деган илк ҳикоям 1977 йилда “Гулистон” журнали саҳифасига қўйилган.

Адабиётга юксак ҳурмат, катта эътибор бўлган ўша даврда бундай нуфузли журналда ҳикоя чоп этилиши муаллиф учун ҳақиқий бахт қуши ҳисобланган. Ҳали-ҳали ушбу ҳикоянинг шафқатсиз тахрир қилинган нусхасига тез-тез кўз югуртириб тураман. Сўзтарош Эркин Аъзамнинг тахрир маҳоратидан шу зайлда сабоқ олиб келаман.

Эркин акани баъзилар жуда инжиқ, баъзилар бироз тажанг, дейди. Баъзилар қаттиққўл муҳаррир деса, айримлар ҳеч кимга ўхшамаган ўз услуби, ўз ижод йўли бор ёзувчи, деб баҳо беради. Мухими, унинг ҳаётини бағишлаган ва доимо топиниб келади-

ган ягона дунёси — АДАБИЁТ эканини биламиз.

Эркин ака баъзи бир ёзувчиларга ўхшаб: “Жаҳон адабиёти билан бўйлашадиган асарлар ёздим” ёки “Асар ёзиб халқимга ҳайкал қўяман”, деб асло бир “даъво” билан ижод қилган эмас. Даъво билан асар ёзиб бўлмаслигини у жуда яхши билади. Билгани учун ҳам ижоднинг захматли ва ўта машаққатли йўлини танлади. Бу оғир ва шарафли меҳнат ҳақиқий адабиёт фидойисига, халқ ёзувчиси даражасига етказди.

“Мен билган ҳақиқатлар” телекўрсатувида Эркин ака бир

гал қўлида ҳасса билан намоён бўлди. Журналист ҳасса ҳақида сўраганида, у киши ҳазиллашиб: “Ёмон шеър, ҳикоя ё мақола ёзган муаллифнинг елкасига тушираман”, — деди. Кейин билсақ, бу мутлақо ҳазил эмас экан. Эшитишимизча, дўстлари совға қилган Бойсун тоғларида ўсадиган туғдона дарахтидан тайёрланган бу темирдай мустақам ҳассани ишончасига олиб бориб қўйганисига, халқ ёзувчиси даражасига етказди.

Эркин ака! Бизга ҳам муборақ ёшларда Сизга ўхшаб ҳасса тутиш насиб этсин!

Ашурали Жўраев.



ЁШЛАР ИЖОДИДАН



Хуршид АБДУРАШИД

ТУРКИЙ ҚЎШИҚ

Туркий юрагим бор, туркий шуурим, Ҳапто руҳим туркий, ўза шоним йўқ. Мушт бўлиб туғилган қўлларим туркий, Водариг, биргина Туркистоним йўқ.

Лаҳжада туркийлар нафаси бордир, Шу гурур вужудим тахтига эга. Ошиқ бўлса нетай, қул ўлса нетай Қалбим қадим туркининг туркуларига.

Бас... Умрим йўлига тавалло не наф, Қисмат битиғи шул... Саъраган қонман! Туркистоним маним, мине йиллик шоним, Истагинда ўлмиш туркий исёнман!

ЎША МЕН ЭДИМ...

Деразане ёнига кўнди кабутар Илкида ўроғлиқ мактуб бор эди. Сенга боқиб турган маънос кўзлари, Шу онда недандир умидвор эди. Сен эса пардани ёпиб қўйдинг жим, Ўша мен эдим-ку, ўша мен эдим.

Кўчага чиқдинг сен боғ айлангани, Дайди шамоллардай хаёлинг тарқоқ. Боғ кезиб юрадине шунда ногаҳон Оёғинге остига тушибди бир япроқ. Ўша япроқ қаби сочилигани ким? Ўша мен эдим-ку, ўша мен эдим.

Боғда гуллар тердинг авайлаб аста Нозоқ қўлларингга санчилди тикан. Нозик қўлинг билан сугурдине уни Дайдинг: “Шундай гулда тикан бор экан”. Сенга талпингани шу тикан, гулим, Ўша мен эдим-ку, ўша мен эдим.

Сен эса пардани ёпиб қўйдинг жим

Муаллиф ҳақида:
Хуршид Абдурашид (Серовов) — 1995 йил Касби туманидаги Пандирон қишлоғида туғилган. Шеърлари даврий нашрларда чоп этилган.

Мен ҳам тунни орзиқиб билан Ва ўзгача ҳисда кутаман. Бўлмоқчиман сенинг ёнида... Тушларинени ташлаб кетаман.

ТОМЧИЛАЙ БОШЛАСА НОГАҲОН ЁМҒИР

Томчилаё бошласа ногаҳон ёмғир Айрилиқ рўмолин ечан бу гўзал. Энтикиб қараса кўзлари оғриб Ойнани шодланиб очган бу гўзал. Ёмғирлар рақсига сочларин ёйиб Шерик бўлсамми деб турган бу гўзал. Юзига тушганда томчилар тойиб, Боладек қиқирлаб кулган бу гўзал. Кимнинг эртагидан дераза очди, Кимнинг эртагига боқди бу гўзал? Дераза ёнидан соғинчин сочди, Ёмғирга қўшилиб оқди бу гўзал.

Мен эсам бу оқшом соябон тутиб, Бир четда турибман... ёмғирни кутиб.

ОРЗУЛАР ТАЖАССУМЛАНГАН СУВРАТ

Шундай бир суврат чиз: мискин бир қишлоқ Саҳарда керишиб кўзларин очсин. Уйда қил, нуруний соқолидек оқ Манеу бир орзунинг пухта ижросин. Ёнида яна бир қишлоқ тасвири Эринмай завқ билан қўшсане ярашар. Саҳий бўл, улагин яна бирини, Чиздинг, чизганингга яраша. Бирлик тажассуми — расм фониде, Танаффуслар бермайин зарра фурсатга, Шаҳар ҳам чизиб қўй унинг ёнидан Ватанни сигдирсин битта сувратга. Ва унда миллатнинг ғаму қайғусин, Софдил қароқчидай тортиб ол талаб. Халқ бахтининг таъминин ҳис этиб турсин, Орзунинг муҳташам аксига қараб.

Сен илоҳий тушлар кўрасан, Уйқуларинг Бахт билан уйғун. Сўнг кундузи ғамгин юрасан Ўнда тушлар йўқлиги учун.

Туш — умринини шодумон дами, Улар сени бахтли қилишар. Ўз ҳолича садоқатли ҳам, Ҳар кеч сени излаб келишар.

Соғинасан кимнидир, балки, Аламинини тушдан олсан. Ўша “кимнинг” дийдорига сен Ухлаб-ухлаб тўйиб олсан.

ҚОРНИНГ ТАСАВВУРИ

Деразане ортида ётар экан қор, Баҳор ҳақда ўйлаш бироз худбинлик. Суҳбатлашгани келар негадир Осмоннинг бу сирли элчиси билан.

Баҳор ҳақида сен айта билмайсан, Қорнинг тасаввури кўтармас бунди. Ахир оғушига олганида ёр, Ким ташлаб кетарди иссиқ қучоқни.

Сен эса баҳорни эслатмай дея Тошнинг истайсан бирор-бир мавзу... Булут ҳақида, масалан.

Сени соғинмайман. Қарорим қатъий. Сабрим ҳали етар сенсиз яшашеа. Сенда ҳам зорлик йўқ, кўзундан сездим Мен томон бир бора қулиб қарашеа.

Ўртада севае йўқ, Юраклар бўм-бўш. Кўзларим сендан ҳам бошқани кўрар. Юракми... Юрак ҳам эмас безовта, Исмнинг айтмай ҳам тинчгина ураб.

Сенинг ҳам қалбингда менга ўрин йўқ Юрагиндан ўза бошланам бисёр. Ахир ҳар томони хувиллаб ётган Қароқ юрагинда менга нима бор?

Битта гап тилимда... Сукут айлагин Осмонга бирзум сайр этдим қайтдим. Нега кўзларингда ҳалқаланди ёш Елгонни қанчалар чиройли айтдим?..

ХАЁЛДА

Аччиқдан аччиқдир мана бу қаҳеа, Оғридан оғридир сурилган хаёл. Кўзларим олдида бир ёруғ лаҳза: Кўзугеа суқланиб турибди аёл.

Шу нури хаёлни бойитган бўлиб, Хуснини томоша қилишим мумкин. Қоронги хонасин ёритган бўлиб, Шамдоннинг ўрнига келишим мумкин.

Аммо мумкин эмас илиқ қўлларни Совуқ бармоқларим билан эркалаш. Ва тонда олдига атиргуларни Узатиб, кўзларин тубига қараш.

Чегара — чексизлик мустамлақаси, Кўрина бошлайди аёл ноаниқ. Кўзларингга тўймоқ бахти бенасиб Ҳатто хаёлда ҳам қўйилган тақик.

СЕН
Гоҳи кўз ўнгимда сароб кабисан, Ичши тақикланган шароб кабисан. Нима... рўемисан ва ё чинмисан? Бироз қизганчиқсан, бироз жиннисан. Келмай учрашугеа кетишга шошган, Ўзининг жаҳлига ўзи чулашган. Гоҳ ёқимли сўзлар лафзига иниб, Ким у... нафратланиб, тағин соғиниб? Фельинг мине турлангай, билмас чегара, Мине бир алфоз билан аммо... севасан! Қалбининг англолмай ғафлатда қолар, Ошигинг ҳалиям саводсиз бола. Сен эса ҳамон бир туғун кабисан, Арузда энг чигал рунк кабисан...

МУЛОҲАЗА

МУАЛЛИМ МИССИЯСИ



ёки бизга қандай адабиёт ўқитувчилари керак?

Сизларда ҳам шундай ҳол кузатиладими, а? Ярим тунда уйқунғиз бузилади-да, алланималар ҳақида ўйлай кетасиз. Охирги сафар шу ҳақида ўйлаганим буғунги ёшларнинг хат-савод ва дид масаласи бўлди. Нима учун аксар ёшлар тўрт энлик аризани энг кам учта хато билан ёзиб беради? Бу айтиб туриб ёздирганимиздаги аҳвол. Менинجه ўйларимга эса бундай пайтда нафақат она тили муаллимлари, адабиёт муаллимлари ҳам ўз миссиясини тўлиқ бажара олмаётгани ҳақидаги фикрлар келади.

Ҳақорат, ич-этимни арадек ниқадир тирнаб ўтади. Бюджетдан ҳазилакам маблағ сарфланадими бир боланинг умумий ўрта таълим олиши учун? Уртача 11 йилда битта ариза ёзишни ўрганмаган боланинг эртаси нима бўлади, деб ким ўйлайди? Улар тарбия қиладиган фарзандлар қандай улғаяди? Ё у кимнингдир ўйини куйдириб пул толаверсинми? Ё у тик-току инстаграмда маънисиз ҳаракатлар билан пул топувчи характерлар бўлаверсинми? Ёки хориж учун тайёр мигрант бўлаверсинми? Ё у пора билан чорасини топиб, олий маълумот олсин-да, коррупция ботқоғи сонини кўпайтираверсинми?.. Бизга кўпол бўлса, узрук-я, маймундан

сал нари-бери бўлган одамлар кераки ёки кенг фикрлайдиган, савияли, дидли, миллат ва мамлакат раванқи учун ҳалол ҳизмат қиладиган шахсларми? Модомики, элу юртга сидқидилдан хизмат қилувчи ҳалол инсонлар керак экан, айниқса, бизнинг адабиёт муаллимлари зиммасидаги масъулиятни ҳис қилишлари шарт бўлади! Ҳеч эсимдан чиқмайди. 5-синфда ўқиган пайтимиз Абдулла Ориповнинг "Ўзбекистон" қасидасини бошидан охиригача ёддан ўқигандик. Ҳар биримиз қасидани ёдлаган эдик. Бутун синф! Очиги, адабиёт дарсида насрий асарларни оз ўқисак-да, барчамизнинг юракларимизда шеър яратта ошўфталик кучли эди,

ошўфталик уйғоқ эди, уйғотилган эди. Синфдаги барча ўқувчилар баҳру байтда мактабда голиб эди. Ошўфталик уйғотган уйғотгичимиз — адабиёт ўқитувчимиз Ирода опа Манбетова бизни шундай тарбиялаганди. Сўнгра янги адабиёт муаллимимиз Гулнора опа Мухиддинова биздаги насрий бўшлиқни тўлдириш учун ҳаракат қилди ва буни удалади. Адабиёт муаллимларимиз адибларнинг саналардан иборат таржимаи ҳолларини кўр-кўрона тушунтирмас, шеърларнинг мазмунини тушунтирмай ёдлатмас, асар тили ва гоёси билан яқиндан танитмай туриб ўқитмас эди. Адабиёт номли муҳташам саройда шунчаки юрмаслиқни ўқитарди-

лар адабиёт муаллимларимиз. Негадир ҳозир айрим адабиёт ўқитувчиларида шундай йўлчи-роқлик сифатини тополмайман, қидираман-у яна барча саъй-ҳаракатларим бесамар кетади. — Биз ўзбек халқи мангу яшайди, деб ишонамиз-ку. Мангу яшаши учун ўзбек халқини севадиган одамлар бўлиши керак-да. Ватанпарварларни эса Адабиёт яратди! — деган эди сўхбатларнинг бирида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим. Ҳўш, бугун қандай адабиёт ўқитувчилари керак? Одатда, шеър бошидан охиригача ўқилади ва шундай ёд олинди. Энди биргина ҳаётий мисол келтирайки, ҳозирги икки ўқувчига йилгирма қатор шеърни бўлиб-бўлиб, пора-пора қилиб, адолатли тақсимот билан ёд олиш топшириқ қилинаёпти ва бу топшириқ бугуннинг адабиёт ўқитувчилари тарафидан берилаётгани ҳам рост. Ойбекнинг "Наъматак" шеърини иккига бўлиб, партадош икки ўқувчи ёдласа, Фафур Гуломнинг "Соғиниш" шеърини бутун синф тўрт қатордан ёдлаб чиқади. Шеърни бу йўсин, одатда, турли тадбир ё учрашувларда ёдлаш урф эди. Аммо ҳозирги кунда адабиёт дарсларида ҳам шу "урф" кўзга ташланаёпти ва бу кўплар-

нинг кўзидан панада қолаёпти. Аҳвол шу даражагача етдимми? Биз мактабда ўқиган йилларимиз бир ўқув йили мобайнида энг кам йилгирма-ўттиз шеър беш-ўн газалини ёд олардик. Дарвоқе, газал дегандек, бугун бирор ўқувчидан газал сўрасангиз, аксарияти тўрт қатор арузий шеърни ҳам ўқий олмайдди, афсуски. Ваҳоланки, ўзбек мумтоз адабиёти бўстони мисоли киргоғи йўқ улкан уммон эканлиги аниқ-ку. Нега шундай адабий меросимиз ёшларга ўргатилмайди? Бирор айтарли ваз бунга тўқинлик қилаётимми? Бугун китобхонлик маданиятини ўстириш учун қабул қилинган не-не расмий ҳужжатлари не-не кўриқ-танловлар ва не-не дастурларга заррача ҳожат йўқ эди, агарда, адабиёт ўқитувчилари, ўз миссиясини виждонан адо этганларида. Аслида ўқувчининг адабиёт ҳақидаги дунёқарашини фақатгина "Адабиёт" дарслиги билан чекланиб қолмаслиги, кундан-кунга адабий географисини ва мундарижасини кенгайтиб бориши керак эмасми? Қалаванинг учи тагин бориб адабиёт муаллимига тақалади — ўқитувчи ўзида йўқ нарсани ўқувчига қандай ўргатсин? Очиги, "Адабиёт" дарслигини тўзук ўқита олмаётган ўқитувчидан ортиқчи ва-

зифани талаб қилишнинг ўзи но-донлик ва мантиқсизликдан бошқа нарса эмасдек. Аммо миллатнинг қорақўз болалари бу оламда адабиёт деган олам борлигидан бебахра ўтишлари керак эмас! Бунинг учун адабиёт ўқитувчиларимиз, албатта, адабий наслларга обуна бўлишлари зарур. Яна талаб этиладиги, фақатгина республикадаги адабий насллар эмас, халқаро адабий газета ва журналларни ҳам кузатиб боришса, нур устига аъло нур бўлар эди. Масалан, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди мавзусида дарс ўтатган ўқитувчи, табиийки, "Елғиз" қиссаси тўғрисида ҳеч қандай маълумот бермайди. Худо раҳмат қилсин, адабиётшунос олим, моҳир педагог Омонилла Мадаев "Ўткан кунлар" романини охиригача қачон ўқигани ёдидан чиқиб кетган адабиёт ўқитувчиларига дарс бериб қийналганини айтиб, куюнган эди. "Ўткан кунлар" дан беҳабар адабиёт муаллими "Елғиз" ҳақида нима дея олсин? Ахир, айна бизнинг замонада Хуршид Дўстмуҳаммад деган ёзувчи яшаётгани, унинг "Елғиз" қиссаси борлиги-ю, "Шарқ юлдузи" журнаlining 2018 йилги 5-6-сонларида босилганини, яқинда китоб ҳолида ҳам чоп этилиб, қисса асосида Аббор Ҳидоятлов номидаги Ўзбекистон давлат драма театрида "Жулқунбой" спектакли саҳналаштирилганидан ҳозирги адабиёт муаллимларининг қанчаси воқиф?

Омонилла Мадаев. — Оилани ташлаб кетишлар, миллий кадрларимизга бепасанд қарашлар, лоқаблик — буларнинг бари адабиёт ўқитувчиларининг маҳорати заифлашганидан дарак беради... Америкада нимага отишмалар кўп бўлади? Америкада нимага жиноятлар кўпаяпти? Чунки Америкада адабиёт дарсининг ўзи йўқ! Уртоғининг онасини ўлдирган болани, ёки бир-бирини пичоқлаган ўқувчиларни, ўз жонига қасд қилган ўсмирларни эшитиб қоламиз. Буларнинг ҳаммасига шахсан ўзим адабиёт дарсига муносабатининг заифлигида, деб биламан. Қарангки, Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўпоннинг бундан 106 йил муқаддам айтганлари ҳамон кун тартибидеги масалалигича турибди: — Энди, эй, қардошлар! Адабиёт ўқуллик. Адиблар етишдирайлик, "адабиёт кечалари" ясаулук. Рух, ҳис, туйғу, фикр, онг ва ўй олайлик, биллайлик. Агарда "баъз" ва бе-маъни бир-ички донга китоблар ила қолсақ, маҳвун инқирозий бўлурмиз. Юрагимиз кундан-кун тошдан ҳам қаттиқ бўлур. Юракни эрталайлик, руҳ берайлик, инқироз бўлмайлик. Меним бу ожизона фикрима кўшплатургонлар бўлса адабиётнинг фойдаси тўғрисида "Оина" ва "Садо"ларимизга тарихий ва адабий мақола ва шеърлар ёзувчи, китоблар тартиб берсунлар. Ҳозирда бизга бирдан-бир лозим бўлган нарса — адабиёт, адабиёт, адабиёт... Дарҳақиқат, адабиётсиз ватанпарварларни, миллатнинг чин этибларини, ҳалол инсонларни тарбиялай олмаймиз! Буни тўғри тушуниб, ўз миссиясини виждонан адо этаётган адабиёт муаллимларимиз бор бўлсин!

Отабек ИСРОИЛОВ, журналист.

ЎБУНА — 2021

Мен нима учун "Hurriyat"ни ўқийман?



Шариф ҲОЛМУРОДОВ, адабиётшунос, таржумон.

Менинجه тақлифим, бир вақтлар марказий газеталаримиздан, ҳеч бўлмаса биттасида, қайсибир бадиий, илмий асар ёки спектакль, кинога тақриз чикмай қолган кун бўлмасди. "Hurriyat"да алоҳида ана шунга мос руқ ташкил этилса, маънавиятимизнинг яна бир қадр ўсишида катта ютуқ бўларди. Шундай бебахо тажрибани мустақиллик даврида бой бериб бўлмайди.

"Hurriyat" ўз номи билан — мустақил-да, қаламга олган муаммоли масалани ериштири эркин. Бунга унинг халқчил тили ҳам имкон беради. Расмий-маъмурий услубдан ҳам сабоғи бор. "Hurriyat"ни қўлимга олган, очиги, баъзи газеталарни каби дарҳол ёпиб, нари ташлаб қўёлмайман. Сабаби саҳифалари бошдан-оёқ ўқишга қорлаб туради. Яна ўзига хос ва мос муаллифлари бор. Одамлар юрагидеги катта дардини ёзади, мутасаддилар назарига етказилади. Шунинг учун ҳам "Hurriyat" барчанинجه кўнглидан жой оладиган газета. Ҳаммага фойдаси тегади, ана шуниси кувонарли. Менинجه тақлифим, бир вақтлар марказий газеталаримиздан, ҳеч бўлмаса биттасида, қайсибир бадиий, илмий асар ёки спектакль, кинога тақриз чикмай қолган кун бўлмасди. "Hurriyat"да алоҳида ана шунга мос руқ ташкил этилса, маънавиятимизнинг яна бир қадр ўсишида катта ютуқ бўларди. Шундай бебахо тажрибани мустақиллик даврида бой бериб бўлмайди.

Эне ёмон, ҳозирги кунда, айниқса, ноширлик бобида "Китоб нима?" — деган савола: "Бу — мўмай даромад", дейдиганлар кўпайди. Газетадан ҳам бизнес йўлида фойдаланаётганлар йўқ эмас. Улар зиёли эмас, одамийликка хиёнат қилётганлардир, десам ноўрин бўлмас керак. "Hurriyat" мана шу жиҳдий масалада ҳам ўз саҳифаларида бир неча марта тахлил қилганлар эълон қилди. Албатта, натижаси бўлади. Шундай экан, севимли газетамиз эл эътиборидеги нашр бўлиб, одамлар меҳрини қозонаверсин. 2021 йил бунданга зурқираб чоп этилсин, наинки ўлкамиз, узоқ-узоқларга қанот ёвсин! "Hurriyat" бунга арзийдиган газета!

АЗИЗ ЮРТОШЛАР, 2021 йил учун ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ! "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АЖ, "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АК ҲАМДА СОҲАГА ДАХЛДОР БОШҚА КОРХОНАЛАР ОРҚАЛИ ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШИНГИЗ МУМКИН. НАШР ИНДЕКСИ: 233.

САФАР КҮНДАЛИГИДАН

Охирги марта қачон сафарга чиққанингни эслай оласинми? Ундаги хотираларни-чи?

Опис йўл инсонни ўзи билан ўзи келишиб олишига имкон беради. Унда кўнгли покланади, ўй ўсади, хаёл жамланади. Айниқса, бе-гона одамлар билан жамоа бўлиб, бир мақсад остида бирлашиб, узоқларга йўл олсангиз, Гаежумликдаги ёлғизликдан шу яхши менимча.

Яқинда Навоий вилоятига сафарга боришимга тўғри келди. Юрагим худди поездининг шарақлаши каби шарақлаб борди йўл бўйи. Ҳамма транспортда ойна тарафда ўтиришни яхши кўраман. Шу сабаб бу гал ҳам таллашиб-таллашиб, ойна томонни "забт" этдим. Йўлда чексиз-чексиз кенгликлар, кўҳна тоғларни кўриб, нигоҳма-нигоҳ сўхбатлашиб бордим. Нега ойна тараф бизга кўпроқ ёқади сизнингча? Чунки ўша ойнада яхши кўрган, соғинган инсонларнингизнинг сиймосини кўрасиз, хаёлан дейдорлашасиз. Ҳар бир учраган нарса Узинг овози, нигоҳи, сўзи ё... кўнглимизни оғритганларини ёдга солади. Бундан бошқа бир сабаб ойна тарафга ошиқмайсиз менинча. ...Сафарда ногоҳ қўлимдан анор тушиб, тошлар устига тушиб ва ёрилди. Доналари ҳар ёнга сочилиб кетди озроқ... бу ҳолни кўриб бироз йилгаудай



(Йўл очерки)

бўлдим. Атрофимдагилар хижолатдан деб ўйладилар. Аммо мен хижолатдан эмас, анорни ўзимнинг ҳолатимга, тошларга урилиб, ёрилган юрагимга ўхшашганимдан йилгасирадим. Шу қадр ҳам анорга ўхшайдими бу юрак?... Аммо дунёда ёрилмасликдан, ёрила олмасликдан, бутун умр ўз қобигида ўралиб яшаб ўтишдан ҳам даҳшатлироғи бўлмас керак. Шу дам кимнингдир елкасига бош қўйиб тўқилгим, ёрилгим келди! Аммо бундай имкон ҳам бор эмас афсуски... Бугунги жамиятда ҳеч қачон бир ровга ишониб ёрилиб бўлмади. Анор этилиб пишса, ўзи ёрилади. Аммо ичимиздаги сабр

коса ҳар қанча тўлиб-тошмасин хоҳлагандай ёрила билмаймиз. Ҳаққимиз ҳам, ҳуқуқимиз ҳам йўқ. Анордан фарқимиз шу. ...Навоий дегти минг йилдан буюн "яшаб" келаётган, бағрига суратлар ўйиб чизилган кўҳна қоя тошлар билан танишдик. Улар етти минг йилдан буюн ҳаёт! Одамлардан ҳам узоқ яшовчи тошлар... Улар ҳақида "Қоядаги муҳаббат" номли фильм ишланар экан икки йил мубайнида. Илоҳим тошлардай узоқ умр кўрадиган кино бўлсин! Тоғлардан сўнг туялар ва отлар бор томонга бордик. Бизга шубат бердилар. Шубат ичиб, томирларимизда иссиқ қон югургандай туюлди, тетикликни ҳис

қилдим. Қизиб олиб, муздай ҳаровга чикдим совуқ ҳароратни енггандай бўлдим андак. Туя сўтида барибир онанинг тафти бор. Меҳр тафти эса ҳар қандай совуқ ҳароратдан сақлайди. Саноатлашган худуддаги аччиқ тутунларни кузатар эканман, навоийлик Зилола Ғайбуллаева исмли бир ёш ижодкор қизчанинг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида ёзиб қолдирган аjoyиб сатри ёдимга тушди: "Она шаҳрим, Навоий, Заҳарингдан айланай..." Аччиқ тутун ҳавони бузса ҳам инсонлар қалбини заҳарламаган. Шундай одамлар бор бўлсин. ...Узоқ юрдик. Муқаддас қандамжоларни ўргандик, зиёрат

қилдик. Аммо менга энг кўп — ўнгиди ҳам, сўлида ҳам боши-ю сўнгги кўринмайдиган чўл йўли эътиборимни тортиди. Шу ерларда ҳам яшаб юрган одамлар кетмади ёдимдан. Утовлар маҳаллий аҳоли тилида "қора уй" деб аталар экан. Ёзи жазирема саратон, қиш қаттиқ қаҳратон бўлади чўлларнинг. Бу ерларда кўп шароитлардан йироқда қандай яшар экан одамлар?.. "Улар ўрганиб кетган" дейсизми, аммо қачонгача "улар ўрганиб кетган" деб қараймиз "қора уйлар"да яшовчиларга? Шу уйларни ўйладиму жавоб топа олмамай, яна йўлга термулдим... Бу узун ва инча йўлнинг охиригача тикилиб қарасангиз сўқмоқнинг бошида осмон бошланадигандай, қўл чўзсангиз етадигандай туюлади. Мен У томон югурдим. Қўлларимни ёзиб-ёзиб югурдим. Лабла-ри қонади — ёрилди! Кўзларим ачишиди, ёшланди — ичидаги майда-майда томорчалар ёрилганини ҳис қилдим. Аммо барибир югурдим "осмонга" қараб. Қўрганлар "бу қизчанинجه ҳали бола характери қолмабди" деб ўйлаган бўлса, ажабмас. Аммо мен бола бўлиб эмас, ошиқ бўлиб югурдим... Унга етишмоқ учун... Бирор дақиқа-лар ўтар-ўтмай йўл бошига етдимки осмон йўқ... билдимки, У кўзимда экан, ўзимда экан У! Шунинг учун олисларда яқиндай кўринган... Мен шу дам Уни ёнимда ҳис қилдим... Унга ёрилгим келди... Юлдуз ЎРМОНОВА.

Франсуа де ЛАРОШФУКО (1613-1680)

ИНСОННИНГ ҚАЛБИ ВА АҚЛИ ҲАМ ВАТАН ТИМСОЛИДИР

Ларошфунинг болалик йиллари Франциядаги Ануа музофотининг Вертей қалъасида жойлашган ота мулкида ўтган. Франсуа 15 ёшида уйланган ва 8 нафар фарзанд кўрган. Ларошфуко 27 ёшида Парижга келди. У 1648-1652 йилларда Франг асқодларини (Фронда)нинг қирол ҳукуматига қарши исёнига бошчилик қилди. Бу галаендаги иштироки Ларошфукога одамхотга доир янги ҳақиқатларни англаб олишига ёрдам беради. 1664 йилда унинг "Максималар ёки ахлоқий мушоҳадлар" ("максимал" лотинча асосий қоида, деган маънони англатади) номли машҳур китоби нашр

этилади. Бундан ташқари, унинг "Шаҳзода де Марсийак мадҳияси" (1649 й.), "Ларошфунинг ўз портрети" (1658 й.), "Эсдалиқлар" (1662 й.) каби китоблари нашр этилган. Ларошфунинг ўзи тан олишича, у аксарият ҳикматли сўзларни газаб отига миниб, бекор ўтирган чоғларида ёзган. Файласуфнинг феъл-атвори шу қадр тушунлиқка мойил бўлгани, унинг кулганини йил давомида атиги бир ёки икки марта кўришган. Ларошфуко 1680 йилда оламдан ўтган. Қуйида машҳур адиб ва файласуф Ларошфуко ҳикматларидан берилмоқда:

На Кўёша, на ўлимга тик қараб бўлмас. Саломатлик тана учун қанчалар муҳим бўлса, руқ учун донолик шунчалар зарурдир. Баъзан ақл бега дедиллик билан нодонликка қўл уриш учун хизмат қилади. Шодланиш ва қайғуриш даражаси содир бўлган воқеанинجه кўлмага эмас, балки бизнинг таъсир-чалиғимизга боғлиқдир. Майда ишларни ўта тиришқоқлик билан амалга оширувчилар кўпича буюқ ишларга қодир бўлмайдилар. Ҳамма хотирасидан нолийди-ю, лекин ҳеч ким ақлдан нолимайди. Инсоннинг қалби ва ақли ҳам худди она тили каби Ватан тимсолидир.

Одамлар кўпича гуноҳларини жазосиз қолдириш имкониятига эга бўлиш учун яхшилик қилдилар. Меваларнинг етилиш вақти бўлгани каби, инсоний фазилатларнинг ҳам камолга етилиш фурсати мавжуд. Қаҳрамонлар ўзларининجه ўта шуҳратпарастлиги билан оддий одамлардан фарқ қилади. Буюқ одамларнинг нуқсонлари ҳам буюқдир. Бошқаларсиз яшай оламан дегувчилар катта хатога йўл қўядилар. Лекин менсиз ҳеч ким ҳеч нарса қилмайди дегувчилар ундан ҳам кўпроқ адашдилар. Алданишининجه эне осон йўли ўзни бошқалардан айероқ деб ҳисоблайдилар.

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИҚОВ чизган қарикатура.